

# **“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**

## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ТУМАНЛАРИДА “КЕЛИН САЛОМ” МАРОСИМИ**

**Бекчанова Сайёра Базарбаевна**

*НукусДПИ Ўзбек адабиёти  
кафедраси доценти, Филология  
факулатети бўйича фалсафа  
доктори (PhD)*

*Телефон: +99891 390 55 94*

**Аннотация:** Мазкур мақолада қорақалпогистоннинг жанубий туманларидағи “Келин салом” маросими ҳамда уларнинг бадиий талқини ёритиб берилади. Бу жараёнда бажариладиган харакатлар ва сўз хусусида айтилади. Шунингдек, бу маросимларнинг бугунги кундаги кўринишлари баён қилинади.

**Аннотация:** В данной статье описывается обряд «Келин салам» в южных районах Каракалпакстана и его художественная интерпретация. В этом процессе произносятся действия и слова. Также описывается современный вид этих церемоний.

**Abstract:** This article describes the “Kelin salam” ritual in the southern regions of Karakalpakstan and its artistic interpretation. In this process, actions and words are spoken. The modern appearance of these ceremonies is also described.

Маросим фольклори асосан инсон туғилиши ва охирги манзил, дағн маросимигача бўлган жараёнлардан иборат. Шу босқичлар ичидан ўзбек фольклоридаги “Келин салом” маросимига тўхталашиб. “Никоҳ тўйи маросими тузилишига кўра уч босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич “тўй тайёргарлиги”; иккинчи босқич “катта тўй”; учинчи босқич; “тўй якуни”. [4.69] “Келин салом” маросими шу босқичларнинг учинчисига киритилади. “Келин салом” маросими асосан келин тушган уйда бўлиб ўтадиган жараён ҳисобланади. Тўй маросимлар комплекси яхлит олинса, йирик бир маросимни ташкил этади, аммо фолклористик жиҳатдан ёндашилса, унинг ёр-ёр, келин салом, тўй олқишилари, тўшак солди, ойна кўрсатар каби мустақил жанрлардан ташкил топганлигини кузатишимиш мумкин. Бу ишимизда Қорақалпогистон ҳудудида яшовчи ўзбеклар орасидаги “Келин салом” маросими ҳақида сўз юритамиз.

Маросим фолклор тушунчаси ўз навбатида икки муҳим компонентни ўзида мужассамлаштиради. Булар маросимнинг сюжетикаси (кечиш тарзи ва бажариладиган хатти-харакатлар ва унинг сўз (вербал) компоненти билан боғлиқ узвлардан иборат. [3.11] Элликқала, Тўрткўл, Беруний ва Амударё туманларида яшовчи ўзбеклар орасида бу маросим олдинги пайтларда фақат аёллар даврасидагина ўтказилган. Келин уйга киргандан кейин чиройли лозим ва кўйлаклар кийиб, чимилдик ташқарисида янгалар ҳамкорлигига сузилган

# **“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”**

## **mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**

(яъни эгилиб салом берган, буни “келин сузилиш” деб ҳам айтганлар). Бу ҳолатда асосан оила-аъзолари, яқин-қариндошлар таништирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, никоҳ тўйининг эртаси куни ҳам келин салом бўлади аммо бунда фақат куявнинг яқинлари иштирок этади. Қайнота ва қайнона томонидан совғалар берилади. “Маросим инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган табиий хатти-харакат, безак декорация ва текстга эга бўлган ҳаётий “саҳна асаридир.” [3.10] Юқорида баён қилинган жараёнлардан ҳам кўринадики, бунда сўз ва ҳаракат уйғунлиги асосий роль ўйнаган.

Маросим ижтимоий ҳодиса сифатида И.В.Суханов тўғри қайд этганидек ҳамма вақт инсон ҳаётининг асосий бурилиш нуқталарида, кўпинча, ана шу нуқталарни қайд этиш, қонунлаштириш талаби билан туғилади. [1.39] Демак қизларнинг янги босқичга ўтиш яъни келинлик остоналарига қадам қўйиш ва чимилдиқ атрофида амалга оширилган. Одатда, “Келин салом” муқаддас жойларга хурмат бажо келтириш билан бошланиб, ижроси, дастлаб, Худога, пайғамбарларга, азиз-авлиёларга, сўнгра куёвнинг бобоси ва бувиси, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, энг яқин қариндошлари, қўшнилари, келиннинг овсинлари, тўйда хизмат қилган кишилар - нонвой, ошпаз, жарчи ва бошқаларга ҳам бағишлиланади.

Ундан кейин эса қайнонаси ёки катта бувиси бўлса шу томонидан кийимлик ёки рўмол билан бирга ризқнинг бутунлиги рамзи сифатида тўртта нон ва новвотни келин қўлтиғига қистириб қўришади. Сўзга чечан кайвонилар ёки халфалар томонидан ҳар бир таништирилувчининг характер хусусияти, касб-кори, яқинлик даражаси баён қилинади. “Келин салом” қофиядош сўзлар, қулгили ҳазил-мутойиба, қизиқарли мисраларга бойлиги билан ўзига хослик касб этади. Ижро жараёнида келин сукут сақлагани ҳолда салом қаратилаётган кишига эгилиб, таъзим бажо келтиради. Масалан:

*Тандирларга нон ёпган  
Ёрисини хом ёпган,  
**Нон ёпар опаларига салом**  
Ўқчасидан ўт чиққан  
Холалардан зўр чиққан  
**Аммаларига салом**  
Сандиқларнини тахлаган  
Кудаларни бир-бирига маҳтаган  
**Холаларига салом.** [6.1]*

# **“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”**

## **mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**

Кейин эса ҳар бир исми айтилган ва таништирилган инсон совға берган келинга яъни бунда асосан бошига рўмол ташлаган ва икки юзидан ўпиб қўйган. Бундан кейин эса келин ўтирсин маросими ўтказилган.

Ўзбек фольклорининг қадимий жанрларидан бири ҳисобланган “келин салом” қўшиқларида куёвнинг ота-онаси, қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳурмати, иззат-икроми ўз бадиий ифодасини топган.

“Келин салом” маросимида асосан, ўзбекларда келин салом берганда ёнида қиз томондан келган янгалар қўшилиб эгилишса, қорақалпоқларда қўшни иккита келинчак биргаликда эгиладилар. Келган келинга овул-элни тажрибаси бор келинлар томонидан таништириш ҳолатни ижобий баҳолаган бўлар эдим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маросим фольклори билан боғлиқ материалларни йифиб, муаян маросимнинг ўтказилиш доирасини аниқлаш, айниқса турли миллат вакиллари биргаликда истиқомат қиласиган ҳудудларда типологиясини белгилаш, ижтимоий омилларни белгилаб ёритишга имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сухонов И.В. Обычаи традиции и преемственность поколений. – М, 1976.
2. Кравцов Х.И. Славянский фольклор. – М, 1976. – С. 42.
3. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986.
4. Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М., Эшонқулов Ж., Тилавов А. Ўзбек фольклори (дарслик). – Тошкент: MALIK PRINT CO, 2022. – Б. 69.
5. Мардонова Г. Нур тўла уй. – Тошкент: Мехнат, 1992.
6. Элликқалъа тумани Сарибий овул фуқаролар йиғинида яшовчи Бекчанова Зеваржондан ёзиб олинди.